

“Сув хужалиги менежменти” фанидан маърузани ўқитиш технологияси

5-Мавзу: МЕНЕЖМЕНТ ҚАРОРЛАРИ ВА УЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ЙЎЛЛАРИ

1.Маъруза машғулотининг ўқитиш технологияси

Вақти – 4 соат	Талабалар сони: 34-36 нафар
Ўқув машғулотининг шакли	Визуал маъруза
Маъруза машғулотининг режаси	<ol style="list-style-type: none"> 1. Бошқариш қарорларини мазмуни, ўрни аҳамияти ва хусусиятлари. 2. Бошқарув қарорларининг классификацияси ва уларга қўйиладиган талаблар. 3. Бошқарув қарорларини тайёрлаш жараёни ва қабул қилиш босқичлари. 4. Бошқарув қарорларини қабул қилиш усуллари ва амалга ошириш жараёнлари 5. Бошқариш қарорларининг самарадорлигини ошириш йўллари
<p><i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i> Менежмент қарорлари ва уларни қабул қилиш йўллари тўғрисида билимларни ҳамда тўлиқ тасаввурни шакллантириш.</p>	
<p><i>Педагогик вазифалар:</i></p> <ul style="list-style-type: none"> - Бошқариш қарорларини мазмуни, ўрни аҳамияти ва хусусиятларини тушунтириш; - Бошқарув қарорларининг классификацияси ва уларга қўйиладиган талабларни тушунтириш; - Бошқарув қарорларини тайёрлаш жараёни ва қабул қилиш босқичларини тушунтириш; - Бошқарув қарорларини қабул қилиш усуллари ва амалга ошириш жараёнларини тушунтириш; - Бошқариш қарорларининг самарадорлигини ошириш йўлларини тушунтириш; 	<p><i>Ўқув фаолиятининг натижалари:</i></p> <p>Талаба:</p> <ul style="list-style-type: none"> - Бошқариш қарорларини мазмуни, ўрни аҳамияти ва хусусиятларини изоҳлайди; - Бошқарув қарорларининг классификацияси ва уларга қўйиладиган талабларни тушунтиради; - Бошқарув қарорларини тайёрлаш жараёни ва қабул қилиш босқичларини айтиб бера олади; - Бошқарув қарорларини қабул қилиш усуллари ва амалга ошириш жараёнларини айтиб бера олади; - Бошқариш қарорларининг самарадорлигини ошириш йўлларини айтиб бера олади;
Ўқитиш услуби ва техникаси	Визуал маъруза, блиц-сўров, баён қилиш.
Ўқитиш воситалари	Маърузалар матни, проектор, тарқатма материаллар, маркер, скотч, график органайзерлар.
Ўқитиш шакли	Жамоавий ишлаш. Гуруҳлар билан ишлаш.
Ўқитиш шарт-шароити	Проектор, компьютер билан жиҳозланган аудитория

Маъруза машғулотининг технологик картаси

Босқичлар, вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	талаба
1-босқич. (10- мин.)	<p>1.1. Ўтган дарсда “Бошқарувнинг ташкилий тузилмаси” мавзусини вазифа қилиб берилганлигини эълон қилади.</p> <p>Мавзуни ўрганишда “Инсерт усули” дан фойдаланиб, матнни куйидаги белгилар билан белгилаб чиқиш кераклигини эслатади: (1- илова).</p> <p>(v) - мен билган нарсани тасдиқлайди.</p> <p>(+) – янги маълумот.</p> <p>(?) – мени ўйлантирди. Бу борада менга қўшимча маълумот зарур.</p> <p>Талаба билган нарсани тасдиқлайди, унга нима янги маълумот эканлигини сўрайди.</p>	<p>Эшитади, тайёргарлик кўради.</p> <p>Талабалар топшириқ бўйича ўз фикрларини айтадилар.</p>
2-босқич. (20 мин.)	<p>2.1. Мавзу бўйича талабаларнинг билимларини мустаҳкамлаш мақсадида саволлар беради:</p> <ul style="list-style-type: none"> - Бошқарувнинг ташкилий тузилмасини тушунтириб беринг? - Бошқарувнинг ташкилий тузилмасини ўзига хос хусусиятлари нимадан иборат? - Бошқарувнинг ташкилий тузилмасини такомиллаштириш йўллари нимадан иборат? - Бошқарувнинг ташкилий тузилмасини баҳолаш деганда нимани тушунасиз? - Бошқарувнинг ташкилий тузилмаси турлари нимадан иборат? 	Саволларга жавоб берадилар
3-босқич. (40 мин.)	<p>3.1. 5-мавзуни эълон қилади. Режаларини ёздиради.</p> <p>3.2. Ҳар бир режа бўйича тушунча берилади (2-5 иловалар).</p>	<p>Эшитади, ёзиб олади.</p> <p>Тинглайди, ёзиб олади.</p>
4-босқич. Яқуний (10 мин.)	<p>4.1 Мазкур мавзу бўйича умумий хулоса қилади ва мустақил ишлаш учун саволлар беради (6-7 иловалар)</p> <p>4.2. Уйга вазифа қилиб ВЕННА диаграммаси, Т-жадвалидан фойдаланиб, Менежмент қарорлари ва уларни қабул қилиш йўллари бир-бирига боғлиқлик хусусият-ларини, афзалликлари ва камчилик-ларини кўрсатиб беришни эълон қилади.</p> <p>4.3.Қоидаларини тушунтириб ўтади</p>	<p>Эшитади, аниқлаштиради.</p> <p>Топшириқни ёзиб олади.</p>

«Бошқарувнинг ташкилий тузилмаси»

мавзусини ўрганишда

“Инсерт усули” дан фойдаланиш

Матнни белгилаш тизими

- (v) - мен билган нарсани тасдиқлайди.
- (+) – янги маълумот.
- (-) – мен билган нарсага зид.
- (?) – мени ўйлантирди. Бу борада менга қўшимча маълумот зарур.

Инсерт жадвали

Тушунчалар	V	+	-	?
Ташкилий тузилма				
чизиқли ташкилий тузилма				
функционал ташкилий тузилма				
мунтазам-штабли ташкилий тузилма				
Лойиҳалаш ва матрицали ташкилий тузилма				
бизнес стратегияси				
Вазифавий ташкилий таркиб				
Дивизионли ташкилий таркиб				

2-илова

Бошқарув қарори

- кенг маънода жамиятдаги моддий ва маънавий эҳтиёжларнинг реал қондирилиш имкониятлари билан бир нуқтада кесишуви. Бошқарув қарори - шунингдек корхона олдида турган мақсадлар ва миссиясини амалга ошириш демакдир. Айнан шу жараёнда юзлаб, минглаб инсонлар ўз эҳтиёжларини қондиради, мавқега эга бўлади, ҳар томонлама ривожланади. Умуман жамият тараққий этади.

Бошқарув қарорлари таъсир кўрсатиш даври бўйича қуйидаги турларга бўлинади.

Қарорлар қуйидагича туркумланади	
Стратегик	Тактик
<p>-Стратегик қарорлар долзарб олий муоммолари ҳал этишда мақсадли дастурларни ишлаб чиқишда ишлатилади. Улар узоқ вақтга, одатда бир неча йилга ҳисобланади ва стратегик масалаларни ҳал этишга қўлланилади. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида бу қарорлар корxonанинг фаолиятидаги янгича ёндашувлар, кескин бурилишларни силлиқ ўтишини таъминлайди. Стратегик қарорлар корхона, ҳудуд, соҳа даражасида қарорлар жамиятдаги янги манбаалар ҳисобига бутун иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни ечишга ёрдам беради.</p>	<p>-Тактик ёки оператив қарорлар бу моҳияти бўйича хўжалик бошқарув қарорларидир. Улар бошқариладиган объектни узлуксиз ишлаш жараёнини қўллаб-қувватлаши учун жорий шахсий муаммолар бўйича қабул қилинади. Яъни, унинг мураккаб механизмини структура ва ўзаро алоқаларни ўзгартирмасдан ушлаб туришдир. Бу қарорларни раҳбар махсус тайёргарликсиз етарлича тез қабул қилади. Бундай қарорларга ходимларни ишга олиш ва бўшатиш, уларнинг иш ҳақларини ўзгариши, корxonани қишги мавсумга тайёрлаш ҳақидаги ва шу каби ҳужжатларни киритиш мумкин.</p>


<p>Қарор – бу бошқарув фаолиятини натижасидир. Бошқарувда меҳнат предмети ахборот бўлса, унинг меҳнат маҳсули – бошқарув қароридир.</p> <p>Қарорни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш</p> <p>– бу бошқарув фаолиятининг асосий шакли бўлиб, унда раҳбар меҳнатининг мазмуни, унинг жамоага мақсад сари йўналтирилган ҳаракат жараёнидир.</p>
--

--

Бошқарув қарорларининг маъноси ва тавсифига кўра ижтимоий– иқтисодий, техник, ижодий қарорларга бўлинади.
Ижтимоий - иқтисодий қарорлар - меҳнат жамоаларида жамоа аъзоларини ижодий фаоллиги ва иш самарадорлигига оширишга йўналтирилган.
Техник қарорлар -ишлаб чиқаришда техникага оид сиёсатни олиб бориш, яъни, корхонада моддий- техники таъминотини яхшилашга йўналтирилган.
Ижодий қарорлар -бирламчи вужудга келган қарорлардир. Улар ишни ҳолатини, атрофлича ўрганиб чиқишини, махсус изланишларни талаб қилади. Бу қарорлар кўпроқ эркин ҳаракат қилишини кўзда тутлади.

5-илова

Бошқарув қарорининг элементлари.



6-илова

Хулоса

Қарор – бу бошқарув фаолиятини натижасидир. Агар бошқарувда меҳнат предмети ахборот бўлса, унинг меҳнат маҳсули – бошқарув қароридир.

Қарорни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш – бу бошқарув фаолиятининг асосий шакли бўлиб, унда раҳбар меҳнатининг мазмуни, унинг жамоага мақсад сари йўналтирилган ҳаракат жараёнидир.

Қарорлар мавжуд муаммоларни ҳал этиш мақсадида қабул қилинади. Муаммо – бу ҳар қандай тизимни мавжуд ва зарур бўлган аҳволини тавсифловчи вазият ҳисобланади.

Бошқарув қарори - кенг маънода жамиятдаги моддий ва маънавий эҳтиёжларнинг реал қондирилиш имкониятлари билан бир нуқтада кесишуви. Бошқарув қарори - шунингдек корхона олдида турган мақсадлар ва миссиясини амалга ошириш демакдир. Айнан шу жараёнда юзлаб, минглаб инсонлар ўз эҳтиёжларини қондиради, мавқега эга бўлади, ҳар томонлама ривожланади. Умуман жамият таракқий этади.

Тактик ёки оператив қарорлар бу моҳияти бўйича хўжалик бошқарув қарорларидир. Улар бошқариладиган объектни узлуксиз ишлаш жараёнини қўллаб-қувватлаши учун жорий шахсий муаммолар бўйича қабул қилинади. Яъни, унинг мураккаб механизмининг структура ва ўзаро алоқаларни ўзгартирмасдан ушлаб туришдир. Бу қарорларни раҳбар махсус тайёргарликсиз етарлича тез қабул қилади. Бундай қарорларга ходимларни ишга олиш ва бўшатиш, уларнинг иш ҳақларини ўзгариши, корхонани қишги мавсумга тайёрлаш ҳақидаги ва шу каби ҳужжатларни киритиш мумкин.


7-илова

Назорат саволларига жавоб беринг.

1. Бошқариш қарорларини деганда нимани тушунасиз?
2. Бошқариш қарорлари қандай туркумлади?
3. Бошқариш қарорларига қандай талаблар қўйилади?
4. Бошқариш қарорларини қандай тайёрлаш жараёни ва қабул қилиш босқичлари мавжуд?
5. Бошқарув қарорларини қабул қилишнинг қандай усуллари мавжуд?
6. Бошқарув қарорларини амалга ошириш жараёнлари нималардан иборат?

1-Топшириқ. Бошқарув қарорларини қабул қилишнинг қандай усуллари мавжуд?


“Қандай” схемаси



2-Тошириқ: Бошқариш қарорларини самарадорлик омиллари

“Балиқ скелети” техникаси

Ушбу технология муоммоларнинг ечимини топишга қаратилган. Юқори қисмида ички ва ташқи омиллар тури ёзилса, пастки қисмида мисоллар билан изоҳланади.



3-Топширик: Бошқарув қарорларини амалга ошириш жараёнлари нималардан иборат? Сизнинг фикрингиз?

ФСМУ технологияси ёрдамида йўналтирувчи тавсиялар асосида ечинг:

Савол	Бошқарув қарорларини амалга ошириш жараёнлари нималардан иборат? Сизнинг фикрингиз?
(Ф) -Фикрингизни баён этинг	
(С) -Фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг	
(М) -Кўрсатган сабабингизни исботловчи мисол келтиринг	
(У) -Фикрингизни умумаштиринг	

ФСМУ технологияси қондаси.

Ушбу технология мунозаралари масалаларни ҳал этишда ҳамда ўқув жараёнининг баҳс-муносабатларини ўтказишда қўлланилади, чунки бу технология талабаларни ўз фикрини ҳимоя қилишга, эркин фикрлаш ўз фикрини бошқаларга ўтказишга, очиқ ҳолда баҳслашишга ҳамда шу билан бирга баҳслашиш маданиятини ўргатади.Тарқатилган оддий қоғозга ўз фикрларини аниқ ва қисқа ҳолатда ифода этиб,тасдиқловчи далиллар ёки инкор фикрларини баён этишга ёрдам беради.